Ўзбекистон Республикаси Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 2 МАЙ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 84 (10.641) Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2006 ЙИЛ 8 МАЙ ДУШАНБА ИШ КУНИНИ 2006 ЙИЛ 6 МАЙ ШАНБА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2006 йил 8 май душанба иш куни 2006 йил 6 май шанба кунига кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 1 май.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида қабул қилинган футболни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар Ўзбекистон футбол жамоаларига халқаро майдонда сезиларли ютуқларга эришиш имконини берди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси, «Пахтакор» (Тошкент), «Нефтчи» (Фарғона), «Насаф» (Қарши) клублари шулар жумласидандир.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига Спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурининг амалга оширилиши туфайли республикада ҳар йили замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган стадионлар сони кўпаймоқда. Энг қобилиятли ёш спортчиларни аниқлаш ва келгусида улардан юқори малакали футболчилар тарбиялаш имконини берадиган иқтидорли спортчи ёшларни қидириб топиш ва тайёрлаш тизими тобора такомиллаштирилмоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда миллий чемпионат нуфузини ва мақомини ошириш, юқори классли футболчиларни ва спорт заҳирасини тайёрлашни ташкил этиш ва таъминот ишлари сусайди, Ўзбекистон футбол жамоаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатимиз ҳомийлари ва донорларининг фаоллиги пасайди. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) ва МҲСК (Тошкент) футбол клублари фаолиятини тўхтатди. Кўп йиллик тарихга эга бўлган «Кўқон-1912», «Сурхон» (Термиз), «Зарафшон» (Навоий) футбол жамоалари машҳурлигини йўқотмоқда.

Мазкур камчиликлар ҳозирги вақтда етарли моддий- техника базасига, маблағ билан таъминлаш манбаларига, шунингдек, малакали ходимларга эга бўлмаган бир қатор вилоят футбол федерациялари ишларининг сустлиги оқибатидир. Вилоятларда болалар-ўсмирлар жамоалари ўртасида ўқув машғулотлари жараёнининг ва мусобақаларнинг паст савияда ташкил этилаётганлиги тегишли футбол федерацияларини ишларининг сустлиги, айрим минтақаларда эса уларнинг ишдан ўзини четга олишлари ҳамда бунга вилоят, шаҳар ҳокимликлари томонидан эътибор берилмаётгани билан бевосита боғлиқдир.

Футболни ривожлантириш учун ёрдам кўрсатиш ва зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан футбол клубларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Футбол федерациясини ва футбол клубларини ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказиш, жаҳон ва Осиё қитъаси чемпионатларида, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юқори классли футболчилар тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, мамлакатимиз футболининг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг: фаолият кўрсатаётган футбол клубларини қайта ташкил этиш йўли билан мулкчиликнинг турли шаклларидаги профессионал футбол клубларини ташкил этиш тўғрисидаги; заҳира тайёрлаш учун профессионал футбол клубларининг ўз тузилмасига болалар-ўсмирлар футбол мактабларини киритишни мажбурий деб ҳисоблаш ҳақидаги; футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этиш, шунингдек, Тошкент шаҳрида Россия тренерлар олий мактаби филиалини очиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги; Ўзбекистон Футболини қўллаб-қувватлаш жамғармасини унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги филиаллари билан бирга ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Футбол федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, профессионал футбол клублари томонидан ташкил этилиши ва у қуйидагиларни таъминлаши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин: мамлакатимиз оммавий ва профессионал футболини ривожлантиришга, профессионал футбол клубларини ташкил этиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиш; футбол жамоаларининг алоҳида намуна кўрсатган иқтидорли ўйинчиларини моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш тизимини яратиш, қобилиятли ёшларни футболга жалб этиш, футболчилар янги авлодининг ишончли захирасини шакллантириш; тажриба алмашишда ҳамда Ўзбекистон футболчилари, тренерлар ва ҳакамлар таркибининг профессионал маҳоратларини оширишда чет эл футбол клублари ва федерациялари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

юқори классли футболчилар ва спорт заҳирасини тайёрлашнинг самарали методларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-методик тадқиқотлар ўтказишда кўмаклашиш;

мамлакатимиз футболини ривожлантириш мақсадида маҳаллий ва хорижий ҳомийларни, манфаатдор корхоналар ва жамоат ташкилотларини ҳамкорлик қилишга жалб этиш.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушаррафнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2006 йил 2-3 май кунлари расмий ташриф билан Покистон Ислом Республикасида бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Покистон муносабатларини янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалаларни муҳокама этадилар. Шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

"БИЗ КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙМИЗ"

ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ САЖЖАД КАМРАН ЖАНОБЛАРИНИНГ «ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ



— Муҳтарам элчи жаноблари, мана 14 йилдан буён мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари мавжуд. Шу давр мобайнида давлатлараро муносабатлардаги муҳим қадамлар ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган кундан буён Исломобод ва Тошкент ўзаро дўстона муносабатларни фаол ривожлантиришга киришган. Ушбу алоқалар олий даражадаги тўртта учрашув, шунингдек, самарали ҳамкорлик ва турли соҳалардаги ҳамжиҳатлик билан ифодаланади. Покистон Президенти, генерал Парвез Мушаррафнинг 2005 йил март ойида Ўзбекистонга буюрган ташрифи икки томонлама муносабатлардаги сўнгги муҳим воқеа бўлди. Президент Ислом Каримов жаноби олийлари 1992 йили Покистонга ташриф буюрганди. Унинг Покистонга иккинчи ташрифи шу йил май ойининг бошига режалаштирилган. Биз бу муҳим воқеани интиқлик билан кутаётирмиз.

Ўн тўрт йил - ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиш тарихида қисқа муддат. Шундай бўлишига қарамай, ўтган йиллар мобайнида мамлакатларимиз кўпгина соҳаларда ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиб, уларни изчил кенгайтириб бормоқда. Ҳар икки мамлакат делегацияларининг ўзаро ташрифлари сони сезиларли даражада ошди.

Покистон Ўзбекистон билан биринчилар қаторида дипломатия муносабатларини ўрнатган мамлакатлар сирасига киради. «Покистон ҳаво йўллари» (PIA) МДҲ ҳудудидан ташқаридаги мамлакатлар орасида Тошкентга тўғридан-тўғри ҳаво қатновини очган биринчи хорижий авиакомпания ҳисобланади. Юқорида қайд этилганидек, Президент Ислом Каримов Жаноби Олийларининг дастлабки хорижий ташрифларидан бири бизнинг мамлакатимизга бўлган эди. Исломобод ва Тошкент ҳамкорликнинг кенг кўламларини қамраб олган қатор битимларни имзолади. Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, бу ҳамкорлик фақат савдо-иқтисодий соҳа билан чегараланиб қолмаган. Покистон ўзбек мутахассислари учун банк иши, ўрмон хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, бухгалтерия, солиқ, почта хизмати, қурилиш техникаларини ишлатиш ва сақлаш, инглиз тили ва бошқа йўналишларда турли ўқув курсларини ташкил этмоқда. Бу курсларнинг аксарияти Покистон техникавий ёрдам дастури томонидан молиялаштирилади. Ҳозирги пайтда бу дастурни янада кенгайтириш режалаштирилмоқда. Покистон — Ўзбекистон муносабатлари икки томонлама алоқалар билан чекланиб қолмаган. Мамлакатларимиз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ECO) ва Ислом конференцияси ташкилоти сингари минтақавий анжуманлар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Покистонга ШХТда кузатувчи мақоми берилганидан сўнг Исломобод ва Тошкент унга аъзо бошқа давлатлар билан биргаликда минтақа иқтисодий ривожланиши ва хавфсизлигига ҳисса қўшиш учун яна бир умумий заминга эга бўлди.

Халқаро миқёсда ҳар икки мамлакат БМТнинг турли ташкилотлари доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Нью-Йорк, Женева ва бошқа кўп томонлама халқаро дипломатия марказларида мамлакатларимизнинг бир-бири билан яқин алоқалари мавжуд.

Рўй-рост эътироф этиш керакки, бизнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигимиз мавжуд салоҳиятларимизга мос эмас. Бундай салоҳиятни ҳаётга татбиқ этишга халақит бераётган омиллардан бири Покистон ва Ўзбекистонни оралиғида жойлашган мамлакат – Афғонистондаги вазиятдир. Жўғрофий жойлашуви жиҳатидан яқин бўлишига қарамай, тўғридан-тўғри ерусти алоқасининг мавжуд эмаслиги икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлигига салбий таъсирини кўрсатди. Шунинг учун Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликнинг қайта тикланиши нафақат Покистон ва Ўзбекистоннинг икки томонлама муносабатлари аҳволи учун, балки умуман Марказий Осиё учун катта аҳамиятга эгадир. Хусусан, бу мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликнинг кенг кўламларини очади. Ўзбекистон Афғонистон орқали ўтадиган қисқа ерусти йўли орқали Покистоннинг денгиз портларига чиқиш имконига эга бўлади. Покистоннинг Жанубий Осиёда, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда марказий ўрин тутиши, бизнинг мавжуд салоҳиятларимиз икки давлатни табиий шерикликка ундайди. Улар биргаликда бу минтақага катта наф келтиришга қодир.

(Давоми 2-бетда.)

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган сайёр йиғилишида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»нинг Фарғона вилоятидаги ижросига оид масала муҳокама қилинди. Тадбирда олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчиликларга ҳам эътибор қаратилди.

● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мамлакатимиз Истиқлолининг 15 йиллигига бағишлаб Навоий вилоятининг бир қанча туман ва шаҳарларида хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида дўстлик форумлари ўтказди.

● Бўз педагогика коллежида бўлиб ўтган ёшлар форуми «Ватан манфаати улуғ ва муқаддасдир» деб номланди. Андижон вилояти ёшлари вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда Ватанга садоқат, юрт равнақи йўлида фидойилик, келажакнинг чин ворислари бўлиш ҳақида сўз борди.

● Андижонда «Она юрт яллалари» телефестивали бошланди. Мазкур кўрик-танлов вилоят телерадиокомпанияси журналистлари ҳамда маданият ва спорт ишлари вилоят бошқармаси мутахассислари ташаббуси билан ташкил этилиб, унинг иштирокчилари мумтоз ашула ва замонавий қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш ҳамда аския санъати бобида куч синашадилар.

● Юнус Ражабий номидаги Жиззах мусиқали драма театрида «Бағритош» спектаклининг тақдимоти бўлиб ўтди.

● «Камолот» ЁИҲ Кўрғонтепа шаҳар Кенгаши томонидан Кўрғонтепа шаҳри марказида «Юртимнинг ҳар сиқим тупроғи муқаддас» шиори остида акция ўтказилди. Шаҳар мактабларининг ўқувчилари томонидан тадбир давомида қабристонлар тозаланиб, хазонлар йиғиштирилди, ариқлар орасталанди. Дарахтлар оқланиб, гул кўчатлари ўтқазилди.

● Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида 45 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 500 дан ортиқ меҳнат фахрийлари истиқомат қилади. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси ва ҳомийлигида барча уруш ва меҳнат фахрийлари ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Зангиота мажмуаларини зиёрат қилиб қайтишди.

ЖАҲОНДА

● Шу кунларда Суданнинг Дарфур музофоти масаласини ҳал қилиш борасида ҳукумат ва жангарилар ўртасида музокаралар ўтказиляпти. Африка Иттифоқи тарафларни бир келишувга эриштиришга ҳаракат қилмоқда. Икки томонга ҳам бир қарорга келишлари учун 48 соат вақт берилди.

● Непал парламенти мамлакатнинг Конституцияси устида иш олиб борувчи янги органга сайлов ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Янги Конституция Непалдаги монархиянинг келажагини белгилаб бериши керак. Мамлакатда узоқ давом этган ҳукуматга қарши намойишлардан сўнг бош вазир лавозимига тажрибали сиёсатчи Гириджа Прасад Кориала тайинланди ва мамлакат қироли олдида қасамёд қилди.

● Хитойнинг Шанси музофотидаги кўмир конларидан бирида рўй берган кучли портлаш оқибатида сўнгги маълумотларга кўра 27 киши ҳаётдан кўз юмди. 7 нафар кончи эса жароҳатланган. Ҳозирча ушбу фожеа сабаблари номаълумлигича қолмоқда.

● Москва атрофида жойлашган Сергиев Посад шаҳарчасидаги Россия Федерацияси Ҳарбий ҳаво кучлари қуроллар ва аслаҳалар марказий авиация базаси полигонларидан бирида фавқулодда ҳодиса содир бўлди. «Ҳаво-ҳаво» тоифасидаги йўқ қилишга тайёрланган ракетанинг двигатели ўз-ўзидан ишлаб кетиши натижасида портлаш рўй бериб икки киши ҳаётдан кўз юмди.

● Американинг «Форбс» журнали 20-бор жаҳоннинг энг бой кишиларининг йиллик рейтингини эълон қилди. Таъкидлаш жоизки, миллиардерлар сони рекорд даражага етиб, ҳозирда курраи замин бўйича 793 нафар кишини ташкил этмоқда.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 3 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Гарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-14, кундузи 22-24 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

МАМЛАКАТИМИЗДА БУГУНГИ КУНДА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АЙНИҚСА, АҲОЛИНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА КЕНГ КЎЛАМЛИ ВА МАЖМУАВИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. УШБУ ЙЎНАЛИШДА ҚОНУНЧИЛИК НЕГИЗИ ТЎЛИҚ ШАКЛЛАНГАН БЎЛИБ, ЎЗ НАВБАТИДА, ЗАМОН ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА АМАЛДАГИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА ТЕГИШЛИ ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛАЁТИР.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги "Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ва бу борадаги тегишли қарорлар, шубҳасиз, йўловчи транспорти тизимини ислоҳ қилишда янги босқич бўлди, десак муболаға бўлмайди. Ушбу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида шу кунга қадар қайд этилган транспорт тармоғида пировардида аввалambор хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, транспорт ходимларининг инсонлар саломатлиги ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашда масъулиятини ошириш, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга йўналтирилган ижобий тузилмавий ўзгаришлар юзага келди.

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда ушбу вазифаларнинг амалиётга татбиқ этилиши таҳлил этилган ҳолда муҳокама қилинди. Мазкур йиғилишда барча транспорт ташкилотлари раҳбарлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати, шаҳар прокуратураси, Ички ишлар бош бошқармаси ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари иштирок этди.

"Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси таркибидаги тегишли компаниялардан олинган маълумотларга кўра, шаҳар аҳолиси ва пойтахт меҳмонларига ҳар куни 1200 га яқин автобус ҳамда деярли 250 та трамвай ва троллейбуслар 150 дан зиёд йўналишлар бўйича хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, метрополитеннинг учта босқичдаги 29 станцияси ҳам мавжуд. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, пойтахт транспорти жамламалари барқарор фаолият юритиши учун барча имконият ва шарт-шароитларга эга. Уларнинг аксариятида транспорт воситаларининг доимий созлигини таъминлаш имконини берувчи таъмирлаш-ишлаб чиқариш негизи ҳам яратилган. Ҳар бир автобус ва электр транспорти саройи ҳайдовчилар саломатлигига жавобгар бўлган малакали мутахассислар билан таъминланган.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Белгилансинки, профессионал футбол клубини ташкил қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, спорт ташкилотлари, шунингдек, тижорат тузилмалари, юридик ва жисмоний шахслардан иборат муассислар томонидан уларнинг шакллантирилаётган клублар ташкилий ва молиявий масалаларини ҳал этишдаги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги: Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабини, уни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда, Ўзбекистон Футбол федерацияси тасарруфига ўтказсин; бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига болалар-ўсмирлар футбол мактабларининг ишларини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш юзасидан таклифлар киритсин; Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этсин.

5. Қуйидагилар белгилансин: Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактаби хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлайди, қайта тайёрлайди ҳамда уларнинг малакасини оширади;

футбол бўйича тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Футбол федерацияси ва профессионал клубларнинг буюртманомалари бўйича амалга оширилади; Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабининг таълим жараёнида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг кадрлар, илмий- методик ва ресурс салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилади.

6. Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Пахтакор» ОАЖнинг эркин сотиш учун мўлжалланган акцияларининг 49 фоизини «Пахтакор» Футбол клуби» қўшма корхонасига унинг томонидан стадионни ҳамда комплекснинг бошқа спорт иншоотларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда белгиланган тартибда топшириш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Профессионал футбол клублари ҳамда Футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари 2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга: республикада ишлаб чиқарилмайдиган, стадионларни реконструкция қилиш ва футбол клубларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган четдан келтириладиган жиҳозлар, асбоб-ускуналар ҳамда материаллар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини тўлашдан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) бўшайдиган маблағларни футболни ривожлантиришга мақсадли йўналтирган ҳолда озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси кўрсатиб ўтилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мамлакатда оммавий футбол ҳаракати ривожланишини, энг яхши футбол клублари, спорт мактаблари, жисмоний тарбия жамоалари, мутахассислар ва тренерлар фаолиятини мунтазам равишда ва кенг ёритсин, расмий футбол ўйинлари ўтказилишини тарғиб этсин ва реклама қилсин. Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон чемпионати ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари ўйинларини трансляция қилиш учун телевизион ҳуқуқларга эга бўлиш юзасидан шартнома тузиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 1 май.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аммо, йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, ҳар томонлама хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлишидан қатъи назар, шаҳарда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш масаласи долзарблигича қолаётир. Бундан жамоат транспорти ҳам истисно эмас. Йиғилишда ўтган вақт давомида юзага келган йўл-транспорт ҳолатлари таҳлил этилди. Хусусан, жорий йилнинг 27 апрель куни Ҳабиб Абдуллаев кўчаси йўналиши бўйлаб 3-трамвай-троллейбус депоси шимолий дарвозаси томон яқин манзилда рўй берган йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айни пайтда ушбу нохуш ҳолат бўйича тергов жараёни давом этмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, унинг сабаби 13-трамвай йўналиши ҳайдовчиси томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинмаганлиги билан бевосита боғлиқ.

Йиғилишда транспорт ташкилотлари раҳбарларига йўловчилар хавфсизлигини, шунингдек, транспорт негизининг моддий имкониятларини сақлаш борасида ҳайдовчиларнинг масъулияти ва ҳушёрлигини ошириш масалаларида назорат сусайтирилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қайд этилган ҳолат оқибатларини инобатга олган ҳолда ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида "Тошшаҳартрансхизмат" ҳамда "Тошшаҳарюктранс" уюшмаларига ҳар бир тузилма бўйича амалга оширилиши зарур бўлган алоҳида кундалик тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳар куни шартли равишда ижросини назорат қилиш вазифаси юклатилди. Тадбирлар режасида ҳаракат хавфсизлиги бўлим бошлиқларининг вазифалари, ҳайдовчиларнинг шаҳодатдан ўтган гувоҳномаси мавжудлиги ва уларнинг йўналишга чиқиш олдидан мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилиши, ҳаракат хавфсизлиги бўйича рейд текширувлари самарадорлигини ошириш, шунингдек, транспорт воситаларининг техник соғлигини таъминлаш ҳамда электр транспорти йўналишларини паспортизация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги тавсия этилди. Шунингдек, рейд текширувларини кучайтириш зарурлиги ва бу борада аниқланган қоидабузарликлар бўйича тегишли жазо чоралари нафақат ҳайдовчиларга нисбатан, балки бевосита мансабдор шахсларга ҳам қўлланилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Тегишли ҳуқуқ-тартибот органларига ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида транспортга эҳтиёж тиғиз бўлган соатларда серқатнов чорраҳаларда қўшимча равишда ИИББ ЙХХ инспекторларини бириктириш, шунингдек, ҳаракат хавфсизлигига хавф солувчи белгиланган тегишли чорраҳаларда автотранспорт тезлигини чегараловчи огоҳлантириш белгиларини ўрнатиш топширилди.

Йиғилишда транспорт соҳаси ходимларини шаҳодатдан ўтказиш ҳамда ишга қабул қилиш пайтида нафақат уларнинг касбий маҳорати, балки инсон саломатлиги хавфсизлигини таъминлашда зиммасига олаётган масъулиятни нечоғлик тушунишига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлигига урғу берилди.

Жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб хусусий йўловчи ташувчиларга оид янги тизим жорий этилмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда тегишли ваколатли тузилмалар раҳбарлари томонидан эндиликда юридик шахс сифатида фаолият юритишга шайланган ҳар бир ҳайдовчига йўловчилар хавфсизлиги кафолатини таъминлаш борасида йўл-транспорт ҳаракати талабларига қатъиян риоя этиши юзасидан назоратни кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда шунингдек, белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир жамоада хавфсизлик қоидаларига риоя этиш ва йўл-транспорт ҳодисаларига йўл қўймаслик бўйича масъулиятни кучайтириш борасида тушунтириш ишларини фаоллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

"БИЗ КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙМИЗ"

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувларни эътиборга олган ҳолда мамлакатларимиз икки томонлама ҳамкорлигининг истиқболлари юзасидан қарашингиз қандай?

— Ҳозирги кунгача Покистон ва Ўзбекистон ўртасида 24 та ҳужжат имзоланган. Президент Ислом Каримов Жаноби Олийларининг Покистонга бўлажак ташрифи чоғида яна қатор ҳужжатларнинг имзоланиши режалаштирилаётир. Табиийки, савдо-иқтисодий ҳамкорлик устувор йўналиш ҳисобланади. Бизнинг ҳаракатларимиз иқтисодий муносабатларни имкон қадар юқори даражага кўтаришга йўналтирилган. Икки томонлама савдо-сотиқнинг ҳозирги даражаси бизни қониқтириши мумкин эмас. Биз улкан имкониятларга эгамиз, уларни ҳаётга татбиқ этишимиз керак. Терроризм билан кураш борасидаги ҳамкорлик ҳам кун тартибида муҳим ўрин эгаллайди. Маълумки, мазкур муаммога бағишланган битим Покистон Президентининг Ўзбекистонга буюрган ташрифи чоғида имзоланган эди. Покистон ҳам, Ўзбекистон ҳам терроризм балосини ўз бошидан ўтказган. Шу боис бу иллатга қарши биргаликда курашиш лозим.

Икки томонлама маданий алмашувлар ҳамкорлигимизнинг муҳим бўғини бўлиб қолган. Бизда ўтган йили имзоланган Маданий алмашув дастурини амалга оширишнинг аниқ режаси мавжуд. Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг маънавий-маданий қадриятлари, урф-одатлари, этник келиб чиқишида муштарак жиҳатлар кўп. Бу сайёҳликни ривожлантиришда муҳим омил бўлиши мумкин.

Академик доираларимиз ҳам интеллектуал бойлик алмашуви мақсадида бир-бири билан ҳамкорликни йўлга қўйишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, нефт ва газ, банк иши, таълим каби соҳалар келажакда ҳамкорлигимизнинг бошқа йўналишлари бўлиши мумкин. Ўзбекистон Президентининг Покистонга ташрифи ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб бериши ва алоқаларимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилишига бизнинг ишончимиз комил.

— Элчи жаноблари, Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилаётганингизга мана бир йилдан ошди. Шу вақт ичида сиз мамлакатда қандай ўзгаришларни сездингиз? Шу хусусдаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Ўзбекистонда ўтказган қисқа вақт мобайнида мен мамлакатингизда кўплаб ўзгаришлар рўй бераётганига шоҳид бўлдим.

Биргина Тошкентни олайлик. Шаҳар инфратузилмаси яхшиланмоқда, янги-янги бинолар қад кўтариб, шаҳарнинг ҳар бир бурчагида ҳашаматли меҳмонхоналар чирой очиб турибди, йўлларда энг замонавий автомобиллар ғизиллаб «чопиб» юргани баробарида, пиёдаларнинг қўлида энг янги русумли уяли телефонларни кўриш мумкин, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар сероб. Соғлом ва барқарор ривожланаётган иқтисодиётсиз булар бўлмас эди.

Бахтиёр ИРИСОВ,
Бобур СОБИРОВ,
«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН: ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНИШИ ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Покистон замини Осиё қитъасидаги тарихий обидаларга бой марказ бўлиб, унда минг йилликлар давомида кўплаб цивилизациялар, дин ва маданиятлар алмашиб келган. Бу ўлка гўзал ва ранг-баранг табиат манзаралари, тарихий ва замонавий обидалар юртидир.

Эрамизгача бўлган III-II минг йилликларда ҳозирги Покистон ҳудудида дунёдаги энг кўҳна цивилизациялардан бири – Хараппа пайдо бўлган ва тараққий топган. Сўнгра унинг ўрнини икки минг йил давомида мавжуд бўлган ҳинду цивилизацияси эгаллаган. Бу ерда, шунингдек, форслар, Искандар Зулқарнайн, Сосонийлар ҳукмронлик қилган. VIII аср бошида бу ўлка ислом маданияти таъсири остига ўтган. XVI аср бошидан эса уч юз йилдан ортиқ вақт мобайнида бу ерлар Бобурийлар давлати тасарруфида бўлган.

Осиё қитъасининг жанубий қисми, жумладан, Покистон тўғрисидаги тарихий маълумотларни ўрганиш жараёнида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларга кўзингиз тушади. Хусусан, Бобур ва Бобурийлар давлати тўғрисида гапирганда, баъзи тарихчилар уларни буюк мўғуллар, деб атайди. Шу ўринда "Брокгауз ва Ефроннинг энциклопедик луғати"да келтирилган тушунтиришларга мурожаат қилиш айни муддаодир:

"Буюк мўғул, буюк мўғуллар - европаликларнинг Бобур томонидан асос солинган ва Ҳиндистонда уч юз йилдан зиёд вақт мобайнида ҳукмронлик қилган машҳур турк сулоласи давлат раҳбарларига берган атамасидир.

Бобурийларнинг ўзи бу атамадан фойдаланмаган, негаки мўғулларга уларнинг ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Бобур ўзини туркий, деб атаган, ўз насл-насаби билан фахрланган, мўғул тилини билмаган, асарларини эса туркий (чиғатой) тилда ёзган. Европаликлар Бобурийлар тўғрисида илк бор форслардан эшитган. Форслар Амударё ортида яшовчи чиғатой туркларини мўғуллар, деб атагани боис ғарб олимлари вазиятни яхши ўрганмай туриб Буюк мўғуллар империясини ўйлаб топишган. Бобурийларнинг асл унвони "подшоҳ"дир. Бу ном форс тилидан олинган бўлиб, Бобур уни 1506 йилда "султон" ўрнига қабул қилган ва уни "подшоҳ", деб атай бошлаганлар".

XVIII асрда Синд, Белужистон, Панжобда қатор давлатлар пайдо бўлди. XIX асрда Покистон ҳудуди инглиз мустамлакачилари томонидан босиб олиниб, Британия Ҳиндистони таркибига киритилди. Чет эллликларнинг 1947 йилда Покистонни тарк этиши тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Бунинг натижасида Покистон давлати юзага келди. Унинг таркибига аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан иборат бўлган шимолий-шарқий (Шарқий Бенгалия) ва шимоли-ғарбий (Синд, Панжоб, Белужистон, шимоли-ғарбий чегара вилояти) ҳудудлар кирди.

2005 йил маълумотларига қараганда, 779 минг квадрат километрга тенг бўлган ҳозирги Покистон ҳудудида 150 миллион киши истиқомат қилади. Мамлакатнинг миллий таркиби қуйидагича: панжобийлар – 66 фоиз, синдҳлар 13 фоиз, пуштунлар 8,5 фоиз, белужийлар 2,5 фоиз, муҳожирлар - ҳиндистонлик эмигрантлар – 2,5 фоиз.

Ислом мамлакат аҳолисининг 97 фоизи эътиқод қилувчи давлат динидир. Уларнинг 77 фоизи суннийлар, 20 фоизи шиалар, 3 фоизи ҳинду, насроний ва бошқа дин вакиллари.

Мамлакатнинг расмий тиллари – урду ва инглиз тили.

Покистон давлат тузуми – федерал республика.

Давлат раҳбари – Президент. У парламент ҳамда вилоятлар қонунчилик ассамблеялари депутатлари ҳайъати томонидан 5 йил муддатга сайланади.

1999 йилдан мамлакатни генерал Парвез Мушарраф бошқара бошлади. 2001 йил 21 июнь куни у мамлакат Президенти, деб эълон қилинди. 2002 йил апрелида бўлиб ўтган умумхалқ референдуми натижаларига кўра, П.Мушаррафнинг ваколати 2007 йилга қадар узайтирилган.

Мамлакатдаги қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламентга тегишли. Юз нафар аъзоси бўлган юқори палата – Сенат вилоятлар қонунчилик ассамблеялари депутатлари томонидан 6 йил муддатга сайланади, қуйи палата – Миллий ассамблея 342 нафар депутатдан иборат бўлиб, тўғридан-тўғри умумхалқ сайлови орқали 5 йил муддатга сайланади.

Ижроия ҳокимияти Бош вазир лавозимига 2004 йил 28 август куни тайинланган Шавкат Азиз раҳбарлигидаги ҳукуматга тегишлидир.

1992 йил июнида Тошкентда, 1994 йил июлида Исломободда икки мамлакат элчихоналари фаолият юрита бошлади ва бу давлатлараро муносабатлардаги янги босқични бошлаб берди.

1992 йил июнида Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Н.Шариф Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. Ўша йилнинг августида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Покистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди. 1995 йил май ва ноябрь ойларида Покистон Бош вазири Б.Бхутто мамлакатимизга ташриф билан келди. 1996 йил октябрида Покистон Президенти Ф.Легари Ўзбекистонга ташриф буюрди.

1999-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Исломободга ташрифларини амалга оширди.

Ўтган йил март ойида бўлиб ўтган Покистон Президенти П.Мушаррафнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, икки томонлама сиёсий-иқтисодий мулоқотни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Ташриф давомида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги истиқболларини белгилаб берди.

Иккала мамлакат ҳам халқаро террорчилик тармоғи билан тўғридан–тўғри алоқаларга эга бўлган минтақавий террорчилик ва экстремистик уюшмаларни йўқ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштирмоқда, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни иложи борича тезроқ тиклаш тарафдори бўлиб чиқмоқда, гиёванд моддалар, психотроп воситалар ва уларнинг кимёвий прекурсорлари ноқонуний савдосига қарши кураш борасидаги ҳамкорликни жадаллаштирмоқда.

Ушбу омилларнинг барчаси томонларнинг ҳам икки томонлама ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама алоқаларини ривожлантиришга интилаётганини намоён этиб, ҳамкорликни турли босқичларда кенгайтириш, шартномавий-ҳуқуқий базани ҳаётга фаол татбиқ этиш учун туртки бўлди.

Ҳозирги пайтда муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси 24 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлардан иборат.

"Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим"га мувофиқ, мамлакатларимиз ўртасида энг қулай савдо муҳити ўрнатилган. 2005 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги товар айланмаси 10,7 фоизга ошди. Ўзбекистоннинг асосий экспорт кўрсаткичлари механик жиҳозлар, хизматлар, пахта, ипак, органик кимёвий бирикмалар, кимёвий ипак, парафин, нефт вазелини, ер- ёнғоқ, ўғит ва бошқа маҳсулотлардан иборат.

Импортни эса асосан, цитрус мевалар (мандарин, апельсин), фармацевтика, қандолатчилик маҳсулотлари, пластмасса ва ундан тайёрланадиган буюмлар, тамаки хом-ашёси ва бошқалар ташкил этади.

Икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг сўнгги мажлиси ўтган йилнинг 29 декабрида Тошкентда бўлиб ўтди.

Ҳукуматлараро комиссия мажлиси якуни бўйича имзоланган протоколга мувофиқ, томонлар савдо-иқтисодий, молиявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳар томонлама алоқалар ривожланишини қўллаб-қувватлаш юзасидан келишиб олдилар, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлисини жорий йилда Исломободда ўтказиш таклифи билан чиқдилар.

Жорий йил февраль ойининг биринчи ярмида Покистон давлат савдо корпорацияси делегациясининг республикамизга ташрифи келишилган эришувларни ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги қадам бўлди. Делегация вакилларининг вазирликлар, идоралар ҳамда Ўзбекистоннинг ташқи савдо компанияларида бўлиб ўтган учрашувлари чоғида Покистонга республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни етказиб бериш масалалари муҳокама этилди.

Шу йил апрель ойида Исломободда Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг биринчи савдо майдончаси очилгани савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг кенгайишига муҳим ҳисса қўшди. Бу мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасида тўғридан-тўғри шартномалар имзолаш имконини беради.

Икки томонлама муносабатлар йўналишида маданий-гуманитар ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Мамлакатларимиз халқларининг тарихан ўзаро яқинлиги, маданият, диний қадрият ва анъаналарнинг муштараклиги бу борада мустаҳкам алоқаларни ўрнатишга кўмаклашади.

1991 йилдан буён Ўзбекистонда "Ўзбекистон—Покистон" жамияти фаолият кўрсатади. У турли маданий ва илмий тадбирлар, ишбилармон доиралар, ёзувчилар ва маданият ходимлари делегацияларн алмашувини уюштириб келади. Мазкур жамият кўмагида Лаҳорда ўзбек тилини ўрганиш курслари ташкил этилди.

Ўзбекистон ва Покистон кино усталари ўртасида ҳам муваффақиятли ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилган. Улар икки халқ тарихи, алломалари, маданий қадриятлар, кўлёзмалар, минтақанинг турли даврларига оид археология топилмалари тўғрисида ҳужжатли фильмлар яратиш устида иш олиб боришмоқда.

Шу билан бирга, Т.Холмурзаев, А.Иброҳимов ва бошқа ўзбек шарқшунос олимлари ҳам дўстона муносабатлар мустаҳкамланишига ўзларининг ҳиссаларини қўшишмоқда. Уларнинг қатор ишлари Покистонда нашр этилган. Ҳамюртимиз – шарқшунос олим Р.Муҳаммаджонов А.Навоий ғазалларини урду тилига ўгиргани ҳамда бу тилни ўрганишга қўшган катта ҳиссаси учун Покистон Президентининг "Яхши натижалар" ордени билан мукофотланган.

Буларнинг барчаси яхши ҳуқуқий заминга эга бўлган икки томонлама муносабатларнинг тобора ўсиб бораётганидан гувоҳлик беради. Қатор имзоланган ҳужжатлар мавжудки, улар икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини фаоллаштиришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига расмий ташрифи ва ушбу мамлакат Президенти П.Мушарраф билан бўладиган учрашувлари икки давлат муносабатларида муҳим воқеа бўлиб қолади ва уларни Тошкент ва Исломободнинг ҳақиқий мавжуд имкониятлари даражасига кўтаришга замин яратади.

Бахтиёр ИРИСОВ,
"Жаҳон" АА

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** «Ўзбекэнерготаъмир» очиқ акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Юнусобод туман бўлими томонидан уюштирилган давра суҳбати «Ўтганларни хотирлаш—инсоний бурчимиз» деб номланди.

●**БУГУН** Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлар иштирокида «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси—ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Яккасарой туман бўлими томонидан уюштирилди.

●**БУГУН** Бектемир туманидаги 293-мактабда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Ўз юртига хиёнат—энг оғир гуноҳ» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок этишди.

●**БУГУН** Ҳамза компьютер касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Оналар орзуси—фарзандлар камоли» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

●**БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 2- кутубхонасида 293-мактаб ҳамкорлигида «Дунё болалари» мавзуида адабий кеча уюштирилди.

●**КЕЧА** Учтепа туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти Учтепа туман бўлимининг бешинчи анжумани бўлиб ўтди.

●**БУГУН** Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Энг катта бойлигимиз—тинчлигимизни асрайлик» деб номланди.

●**БУГУН** Сергели туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида туман фаоллари иштирокида ўтказилган тадбир аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини янада кучайтириш масалаларига бағишланди.

● **БАДИИЙ** академиянинг марказий кўргазмалар залида санъат ихлосмандлари эътиборига Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатлари рассомлари томонидан яратилган асарлар кўргазмаси намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Маҳалланг—ота-онанг

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ САЙЛОВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН МАМЛАКАТИМИЗДА ИСЛОҲОТЛАР ТАДРИЖИЙ, ЯЪНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

«Жамият ва давлатни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда босқичма-босқичлик тамойилига амал қилган ҳолда ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги узоқни кўзланган стратегик вазифалар, деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов, — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир».

Шу маънода мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш билан боғлиқ сайлов жараёни ҳам муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Зеро, мазкур сайлов ижтимоий-сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янгича мазмун-моҳият билан бойитиши баробарида, жамиятни эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштиришга, демократик қадриятларнинг жамият ҳаётида янада кенг қулоч ёйиши ва илдиз отишига, энг муҳими, фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги роли ҳамда ваколатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур сайлов мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбирлардан бири бўлиб, сайлов жараёни очиқ ва ошкора руҳда, демократик тамойилларга тўлиқ мос равишда ўтказилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишда мамлакатимиз Конституцияси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайлови тўғрисида»ги Қонунлар ҳуқуқий пойдевор ҳисобланади.

Бош Қомусимизда акс эттирилган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан бири сайлаш ёки сайланиш ҳуқуқи бўлиб, унга мувофиқ фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Бундан ташқари, Конституциямизда сайлов тизимига алоҳида боб ажратилган.

Асосий Қонунимизнинг 105-моддасида эса шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек уларнинг таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, уларнинг икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаши белгиланган.

Конституциямиздаги мазкур умумий меъёрлар «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунларни ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда Истиқлол йилларида бир неча маротаба фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш бўйича ўтказилган сайловлар жараёнида тўпланган амалий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда 2004 йилнинг апрель ойида «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Бу йилги сайлов жараёнида ана шу Қонун биринчи маротаба амалиётда синовдан ўтади. Шунинг учун мазкур Қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва айнан ундаги меъёрларга оғишмай амал қилиш лозим.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга кўра, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланиш тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир». Кўриниб турибдики мазкур меъёр моҳиятида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг асосий тамойиллари демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқидан иборат экани ўз ифодасини топган.

Шу боис фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида ҳам, бошқа сайловлардаги каби, демократик тарзда, яъни маҳалла аҳли ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, ўзини ўзи бошқариш органини шакллантириши лозим. Бундай эркин сайловлар орқали нафақат ўзини ўзи бошқариш органи шакланади, шу билан бирга фуқаролар йиғини, айниқса сайлов орқали вазифасини бажаришга киришган раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларининг жамият олдидаги масъулияти ҳам ошади. Юридик манбаларда сайловлар муқобиллик, сайлов кампаниясини ўтказишда эркинлик, сайловчилар хоҳиш-иродаларининг эркин ифодаланиши таъминланган шароитда ўтгандагина демократик ҳисобланиши қайд этилган. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунда ана шу учта муҳим шарт тўлиқ кафолатланган. Хусусан, мазкур Қонунда ошкоралик тамойили тўғрисида шундай дейилган: «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар хабардор этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлар, овоз бериш якунларидан воқиф қилинади». Ошкоралик тамойилини рўёбга чиқаришдаги яна бир талаб шундан иборатки, оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик жараёнини ҳамда сайлов ҳақида тўлиқ маълумотларни аҳолига ўз вақтида етказиши зарур.

Тенг сайлов ҳуқуқи — тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, сайловда иштирок этишида намоён бўлади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида тенг сайлов ҳуқуқи тамойилларини рўёбга чиқаришдаги ўзига хос усулдан фойдаланиш мумкин. Бунда фуқаролар вакиллари орқали ҳам сайловда билвосита иштирок этади. Бу ҳуқуқ ҳам қонунчилигимизда кафолатланган.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш кенг қамровли ташкилий тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Бунинг учун аввало сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга амалий ёрдам кўрсатувчи ва кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади. Бу комиссиялар тегишли ҳудудлардаги халқ депутатлари Кенгашининг қарорига биноан ташкил этилади. Комиссиялар таркиби нодавлат ташкилотлар, жумладан «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, хотин-қизлар қўмиталари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари вакилларидан иборат бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилигига номзодларнинг кўмаклашувчи комиссиялар таркибида бўлишига йўл қўйилмайди. Кўмаклашувчи комиссиялар қонунда белгиланган сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш, тегишли ишчи гуруҳи фаолиятини йўналтириб бориш, сайловни ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил қилиш, ишчи гуруҳидан туман, шаҳар ҳокими билан келишиш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзодига доир ҳужжатларни қабул қилиш, сайловга тааллуқли ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлаш, ишчи гуруҳларининг сайлов масалаларига доир ахборотларини тинглаш, сайлов якунларини чиқариш ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бунга яна шуни қўшимча қилиш лозимки, ҳар бир фуқаролар йиғинининг қарори билан раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишни бевосита амалга оширувчи ишчи гуруҳлар тузилади. Ишчи гуруҳнинг таркиби ўша ҳудудда жойлашган нодавлат-нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ҳамда фуқаролар йиғинлари вакилларидан иборат бўлади. Ишчи гуруҳи таркибига раис (оқсоқол) ҳамда унинг маслаҳатчилигига номзодларнинг кириши мумкин эмас. Ишчи гуруҳи фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жойини белгилайди ҳамда йиғин ўтказилишидан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади, фуқаролар йиғини иштирокчиларини рўйхатга олади, аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди, сайловни ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради ва қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар қонунда белгилаб қўйилган талабларга жавоб беришлари лозим. Номзод қоида тариқасида олий маълумотли, сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Номзодларга қўйиладиган бу талабларнинг ҳар бирини ишчи гуруҳлари янада чуқурроқ таҳлил қилиб, ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб чиқиши лозим. Маслаҳатчилар вазифасига номзодлар эса фуқаролар йиғинининг кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади. Бунда холислик, ошкоралик, муқобиллик тамойилларига қатъий амал қилиш лозим.

Бир сўз билан айтганда, сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларнинг ўз вақтида, кечиктирмасдан ва бир маромда амалга оширилиши ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий кампаниянинг муваффақиятли якунланишига имкон яратади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сайловчи ва сайланувчи юртдошларимизни сайлов жараёнининг фаол иштирокчисига айланиб, ўз хоҳиш-истакларини ифода этишга ўзаро ҳурмат, баҳамжиҳатлик, бағрикенглик билан ёндашишга ҳамда бу орқали жамиятимиз ҳаётида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада эркинлаштириш жараёнига муносиб ҳисса қўшишга чақирамиз. Бинобарин, мазкур сайлов жараёнининг ҳам жамиятимизни ислоҳ этиш ва мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш борасида ўзига хос босқич бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Мавзуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

Ижтимоий ҳаёт

ЯНГИ ДАСТГОҲ ЎРНАТИЛДИ

«ЁШ ФУТБОЛЧИ» ХУСУСИЙ ФИРМАСИГА ХИТОЙ ДАВЛАТИДАН КЕЛТИРИБ ЎРНАТИЛГАН ЯНГИ ҚАДОҚЛАШ ЛИНИЯСИ ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТУРИНИ КЎПАЙТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛДИ.

Ушбу дастгоҳ унумидан самарали фойдаланган ҳолда айни кунларда янги усулда карамель конфетларининг бир неча турлари қадоқланиб, харидорларга етказиб берилмоқда. Шу кунгача тайёрланаётган маҳсулотлар турлари эса 30 хилдан ортиб кетди.

— Бугунги кунда бозорни ўрганмай, харидор дид ва талабини ҳисобга олмай ҳамда замонавий техника ва технологиялардан унумли фойдаланмай рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш мушкул, —дейди корхона раҳбари Насибулла Абдуллаев. —Шу боис ҳам биз тадбиркорлик билан иш юритиб, хориж давлатларидан юқори унумли дастгоҳ ва ускуналар келтиришга эътибор қаратмоқдамиз. Маҳсулотларимиз тури эса ана шу асосда янгиланмоқда. Шунинг баробарида юртимизда тадбиркорлик субъектлари ривожига қаратилган эътибор, Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорлари ижроси изланишга, янгиликлар яратишга ундамоқда. Зеро, бугун янгиликка интилмай ривожланиб бўлмайди. Чунки харидорларимизнинг диди баланд, таламлари эса юқорилаб бормоқда. Буни ҳамиша инобатга олмоғимиз керак.

Корхонада ҳозирда 50 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Жорий йилда эса Россия ва Германия давлатлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, яна янги ишлаб чиқариш линияларини келтириш кўзда тутилмоқда. Янги турдаги батончик ширинликлари эса харидорларга энг яхши туҳфа бўлади.

ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «VATT» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА.

Республика Энергетика вазирлигига қарашли корхона ва ташкилотларга махсус иш кийимлари тикиш, уларнинг турларини кўпайтириш билан фаолият бошлаган ушбу корхонада бугунги кунда бозор талаблари асосида иш юритилмоқда. Шу боис ҳам тадбиркорлар жорий йилда маҳсулот турларини 20 хилдан ҳам оширишди. Булар орасида кийим-кечаклардан тортиб рўзғор ашёларигача бор.

—Айни кунларда тиббиёт-санитария қисмлари учун керакли бўлган кўрпа ва ёстиқ жилдлари, сочиқлар тикишга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз, —дейди корхона директори ўринбосари Йўлдош Сулаймонов. — Шунингдек, сифатли матолардан тайёрланган ушбу маҳсулотларимизни савдо шохобчаларига шартнома асосида етказиб беряпмиз. Ўйлаймизки, ушбу маҳсулотларимиз, албатта харидорларга манзур бўлади.

Тадбиркорлар жорий йилда ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида қўшимча ишчи ўринлари яратишни ҳам мўлжаллашмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

Қарор ва ижро

ЮҚОРИ СИФАТ — ХАРИДОРГИРЛИК КАФОЛАТИ

МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРЛАРГА АНЧА МАНЗУР БЎЛАЁТГАН «ТОШКЕНТ ЛОК-БЎЁҚ ЗАВОДИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХОРИЖ ИНВЕСТИЦИЯСИ ИШТИРОКИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИМИЗДАН. УНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ЛОК-БЎЁҚ МАҲСУЛОТЛАРИ ШВЕЙЦАРИЯ ВА АҚШДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАРДА МАХСУС ДИПЛОМЛАР БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС.

— Ҳозир ишлаб чиқарилаётган лок, бўёқ, эмаль, олиф каби маҳсулотларимизнинг сифатини ошириш ва қадоқлашга алоҳида эътибор бераётганимиз туфайли уларнинг харидоргирлиги тобора ортмоқда, — дейди корхонанинг тижорат ишлари бўйича директори Фарруҳ Умаров. — Бунда заводимизда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлда қабул қилинган «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан халқаро ISO 9001: 2000 сифат менежменти тизимининг жорий этилгани ғоят қўл келмоқда.

Заводда дастлаб Республика синов ва сертификатлаш маркази томонидан баҳолаш аудити ўтказилди. Ўтган йил мартида 20 ходимимиздан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, «ISO 9000 халқаро стандартларига кириш, сифат менежменти тизими ҳужжатларини йўлга қўйиш ва юритиш», «Сифат менежменти тизимининг ички аудити» каби курсларда ўқитилди. Шундан сўнг, ички аудит ҳамда Стандартлаш, метрология ва сертификатлаш илмий-тадқиқот институти томонидан сертификация олдидан аудит ўтказилди. Ниҳоят, шу йил февраль ойида институт яна бир аудит ўтказиб, ижобий қарорга келгач, UZ.SMT.04.001.0024 рақамли сертификатни олишга эришдик.

Айни вақтда заводда ишлаб чиқариш техник даражасини юксалтириш йўлида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Заводимизда «Ўзстандарт» агентлигининг аккредитацияланган синов ва метрология лабораториялари ишлаб турибди. Бунинг самараси ўлароқ, қисқа вақт мобайнида тез қурийдиган лок (ФХ-42), бир компонентли паркет ва мебель учун лок (МЧ-271), йўл белгилаш эмали ва бошқа маҳсулотлар яратилди. Ушбу лабораторияларда янги маҳсулотни кенг ҳажмда ишлаб чиқаришдан олдин ҳар томонлама синовдан ўтказиш имконияти мавжудлиги ишимизда жуда қўл келмоқда.

Завод жамоаси маҳсулотлар сифати ва харидоргирлигини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқаришга янги технологияларни кенг жорий этиш борасидаги ишларни давом эттирмоқда.

Акмал НАЗАРОВ,
ЎзА мухбири





Анжуманлар

АЁЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД МУРАББИЙСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРГА МОС ҲОЛДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, УЛАРНИНГ ОИЛА, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДАГИ ЎРНИ ВА НУФУЗИНИ ОШИРИШГА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Айниқса бу борада Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизлар учун муҳим дастуриламал бўлмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида хотин-қизларнинг жамиятни бошқарувидаги фаолиятига ҳам катта эътибор қаратилган. Шунга кўра яқинда Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалласида Республика ҳамда шаҳар ва туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси, шаҳар «Оила» маркази, Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Ўзбекистон ФМДП Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ҳамкорлигида «Аёл — баркамол авлод мураббийси» мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда шаҳримиздаги барча туманлар маҳаллаларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, «Оила» маркази раҳбарлари ҳамда «Гулистон» маҳалласининг фаоллари иштирок этдилар. Тадбирда Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари, шаҳар «Оила» маркази раҳбари Гулнора Йўлчиева «Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда оила ва аёлнинг роли», шаҳар тадбиркор ва ишбилармон аёллар жамоатчилик бирлашмасининг раиси Насиба Миродилова «Маҳаллаларда хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш», Ўзбекистон Миллий университети кафедраси мудири Д.Ҳабибуллаева «Аёл — баркамол авлод мураббийси», Мирзо Улуғбек туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси бош мутахассиси Мавлуда Игамбердиева «Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг маҳалла тизимида тутган ўрни» каби мавзуларда сўзга чиқиб, аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, оила муаммоларини ўрганиш ва ечимини топиш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилалардаги ажрим ҳолатларининг олдини олиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан эканлигини, шу билан бирга яқинда бўлиб ўтадиган сайловларда аёлларнинг фаол иштирок этиши зарурлигини қайд этдилар.

- Бундай ўқув семинарни ўтказишдан мақсад,- дейди туман «Маҳалла» жамғармаси бош мутахассиси М.Игамбердиева,- ўзини-ўзи бошқариш органи ҳисобланган маҳаллаларда икки йилдан буён фаолият олиб бораётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишга кенг жалб этиш, маҳалла тизимида уларнинг фаоллигини янада кучайтиришга кўмаклашишдан иборатдир. Ўйлайманки, бундай ўқув семинарлари хотин-қизларимизнинг давлат ва жамият ишларида муносиб ўрин эгаллашлари, билим ва малакаларини яна ҳам бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

Баҳс-мунозаралар ва савол-жавоблар остида ўтган ўқув семинар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дилдора ҲАМИДОВА

СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалласида бўлиб ўтган ўқув семинардан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар.

Алоқа

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА — АМАЛДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИГА ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА ҚАТОР ЙИРИК ТЕХНИК ТАДБИРЛАР КЎРИЛМОҚДА.

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш борасида эришилаётган ютуқлар ҳам чакки эмас.

Ана шу жараёнлар тармоқни ривожлантириш ва кенгайтириш лойиҳаси доирасида амалга оширилаётир. Пойтахтимизда 32 минг мижозга мўлжалланган рақамли коммуникация қурилмалари ҳам ўрнатилди. Бундай бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқаришда «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалининг «Siemens AG» компанияси билан ҳамкорлиги қўл келди.

ТЕХНИК МАРКАЗЛАР

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ НЕГИЗИДА БИР НЕЧТА ТЕХНИКАВИЙ МАРКАЗЛАР ИШЛАБ ТУРИБДИ. АХБОРОТ ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ ҲАМ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.

Тижорат ва хўжалик сектори абонентларига маълумот узатиш ҳамда жамоа бўлиб фойдаланиладиган Интернет пунктлари хизматлари ҳам йўлга қўйилди. Бу эса маълумотлар узатиш тармоғи ва интернетдан фойдаланаётган мижозлар сонини янада орттириш имконини берди.

Бундан ташқари компанияга қарашли марказлар ахборот-телекоммуникация технологиялари бўйича қатор янгиликларни амалиётга жорий этдилар.

СПОРТ ИНШООТЛАРИ

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ КОРХОНАЛАРИДА СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Бу ерда спорт анжомлари билан тўла таъминланган янги спорт иншоотининг бунёд этилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Филиалнинг Мирзо Улуғбек телефон боғламасида эса мини-футбол майдони фойдаланишга топширилди. Кўрилаётган бундай тадбирлар алоқачилар ўртасида спорт мусобақаларини кенг йўлга қўйиш учун пухта замин ҳозирлади.

Акбар АЛИЕВ

Ўз-ўзи ўрганиш доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ширин сўзнинг насими мақсад кемасини мурод соҳилига етказади. Нотўғри, қўпол сўзнинг чақмоғи эса бир онда сўзловчининг фаровонлик хирмонини ёндиради.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Сўз борки, тингловчи танига жон киритади,
Сўз борки, айтувчи бошини елга беради.

НАВОИЙ

ҲИКОЯТ. Айтишларича, ўз замонасининг ёрқин ҳикмат қуёши бўлган Бузургмехр ҳаким бошқа бир неча ҳакимлар билан баҳс юритдилар. Улар ҳакимдан ҳеч бир нуқсон тополмагач, охири: «Илм дарёсида сўзамол табъи ўрдак каби сузувчи бўлса-да, лекин гапираётганда кўп ўйлаши малоллик келтиради!» дейишди. У эса: «Ўйламай оғиз очгандан кўра, минг марта ўйлаб гапирган афзал!» деб жавоб берди. Байт:

Айтилмаган сўзни айта оларсан,
Айтилганни қачон тута оларсан?

Ибн КАМОЛПОШШО

Сўз махзанининг нишонаси ҳам,
Маъни дурининг хизонаси ҳам —
Ҳар сўзки кўнгулдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса бўлғай эрди нобуд.

МУНИС

Кишининг бошига нима келса, тилидан келади.
Тўти сақлаёлса эди тилини,
Қафас хижил қилмас эди дилини!

Бархурдор ибн МАҲМУД

Сучук тил борла, эй Обид, бу
ғамли дилни шод этгил,
Ки жон тандин вижод этгунча
бу ширин забон яхши.

Мужрим ОБИД

Гул каби бевақт ғунча очиб ноз қилма, булбул каби беҳарда нағма-ю овоз қилма!

Ғайри тилни саъй қилинг билғали ёшлар,
Ким илму ҳунарлар ривожи аңдин аёндир.
Лозим сизга билув ҳар тилни она тилдек,
Билмакка они ғайрат этинг, фойдаси коңдур.

Аваз ЎТАР

Беҳуда очма оғиз гул каби,
Беҳуда чалма соз булбул каби!
Аввал ўйлаб, сўнгра чиқаргил нафас,
Ўзинг бас айлагин, демай тури бас!

Ибн КАМОЛПОШШО

Тилга кучи ета олган — донишманд,
Сўзга эрк берган —пасткаш аҳмоқ.

НАВОИЙ

Демишларки, ҳар кимни келганда кўр,
Бўлубтур масал, сўзни сўрганда кўр.

ХИРОМИЙ

Ҳайвон нуқта билан, одам дил билан боғланади.
Инсон сўзи билан танилади, ахлоқи билан мақталади.
Ақлли одамнинг сўзи жонга озиқ, ақлсиз одамнинг сўзи жонга қозиқ.
Кишинг фазилати тилидан билинади.

«ОТАЛАР сўзи»

Маъдани инсон гавҳари сўз дурур,
Гулшани одам самари сўз дурур.

НАВОИЙ

Бахт келтирувчи мусаффо руҳ
манбаи ҳам тил,
Ёмонликлар наҳс юлдузининг
чиқар ўрни ҳам тил.

НАВОИЙ

Лофу ёлғон сўздан қочмоқ ва бемаъни даъводан кечмоқ лозимлиги ҳақида хайрли кишилар ва илмли донишмандлар асарларида кўп сўз айтилган. Байт:

Фойдали сўзласа киши тортмас ғам,
Шунинг-чун ўйламай сўзлама, укам!
Ўйлаб гапирувчи сўзи соир, ёр,
Лақма ҳозиржавоб сўзидан минг бор!

Ибн КАМОЛПОШШО

Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз,
Ани сўз демагил, эй мажлисафрўз.

ГУЛХАНИЙ

Сўзки малоҳат билан марғуб эрур,
Зийнат анга бўлса агар хўб эрур.

НИШОТИЙ

Заковат кўрки сўздур, бу
тилнинг кўрки сўздир,
Кишининг кўрки юздур, бу
юзнинг кўрки кўздир.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Эй азиз фарзанд, билгинки, киши ўз тилига доимо эҳтиёт бўлмоғи, ҳар бир гапни ўйлаб, сўнг гапирмоғи лозим. Киши қаерда бўлмасин ва қачон бўлмасин тилини ёмон сўздан асраса, ўйлаб, мулоҳаза билан гапирса, доимо фойда топади. Айтилган сўз отилган ўқ, уни қайтариб бўлмайди. Кўп сўзда кўп хато бўлади, дейдилар. Кўп киши тили туфайли ўзини бало домига мубтало қилади. Сийнага қадалган найзани чиқариб олса бўлади, аммо дилга қадалган сўз захрини чиқариб бўлмайди. Сўзни ўйлаб гапирмоқ ва тилни ёмон сўздан асрамоқ ҳақида ҳикоятлар кўпдир.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Тил ширинлиги — кўнгилга
ёқимли, юмшоқлиги фойдали,
Чунки тил аччиқликка айланса,
зарари умумий бўлур.

НАВОИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси жамоаси «Туркистон» саройининг раҳбари Собир Аминович Нуриддиновнинг волидаи муҳтарамаси

Ширин ая НУРИДДИНОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.





Мусобақалар

БИЛИМДОНЛАР ШОҲСУПА ТЎРИДА

ЁШ АВЛОДНИНГ СОҒЛОМ ЎСИШИ, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА АСОСЛАРИ ВА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ БЕРИШ, ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ ВА ҲУҚУҚИЙ ОНГЛАРИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА БИЛИМЛАРГА, ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАР РЎЙ БЕРГАНДА ЎЗНИ ТУТА БИЛИШ ВА ЎЗГАЛАРГА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ БЕРИШГА ЎРГАТИШ КАБИ ҚАТОР ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА ҲАР ЙИЛИ АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН «САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ» МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИБ КЕЛИНАДИ.

Куни кеча Ҳамза туманидаги 28 та мактаб ва 4 та коллеж талаба-ўқувчилари ўртасида Қизил Ярим Ой жамияти туман кенгашининг ташаббуси, халқ таълими бўлими, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, «Камолот» ЁИҲ ҳаракати, маданият ва спорт ишлари бўлимлари ва Тошкент шаҳар ИИББ патруль-хизмат бригадасининг туман сектори ҳамкорлигида ушбу мусобақа ниҳоятда кўтаринки руҳда, ўқувчиларнинг ғалабага астойдил интилиши, махсус дастур асосида олган билимларини амалда кўрсата олиши билан қизиқарли ва таассуротларга бой тарзда бўлиб ўтди.

— Айтиб ўтиш жоизки, ёшлар билан ишлаш Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлимининг асосий вазифаларидан биридир, — дейди биз билан суҳбатда жамият туман Кенгаши раиси Санобар Октабаева. — Биз уларга аввало санитар-гигиеник билимларни бериб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга ўргатамиз. Токи ҳар бир ўсиб келаётган авлод ўзгалар кўмагига муҳтожларни кўрганда бефарқ бўлмасин, беминнат ёрдам қўлини чўзсин, ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати, инсон шаъни улуғлиги, Она-Ватан муқаддаслигини тўла тушуниб етсин.

Бўлиб ўтган мусобақада иштирокчилар саккизта шарт бўйича беллашдилар. Уларнинг ҳар бир шарт бўйича қатнашишларини синчковлик билан кузатиб, баҳолаб борган ҳайъат аъзолари биринчи ўринга 161-мактаб ва темир йўл коллежини муносиб деб топдилар. Иккинчи ўринни 61, 151, 166-мактаблар ва Авиасозлар коллежи, учинчи ўринни эса 69, 152, 231-мактаблар, қурилиш ва компьютер коллежлари эгалладилар. Шунингдек, деворий газеталар танловида эса 161, 231, 16-мактаблар ва Авиасозлар коллежи энг юқори ўринларни эгалладилар.

Тадбир сўнгида барча иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилиб, чиройли байрам дастурхони ташкил этилди. Биринчи ўринни эгаллаган 161-мактаб жамоаси эса ушбу мусобақанинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ҳаётий саҳна кўринишлари, янги ғоя ва фикрлар билан бойитилган тарзда ўтказилган ушбу мусобақа барчада яхши таассурот қолдирди.

Гулнора МУСЛИМОВА

* * *

«Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақаси Юнусобод туманида ҳам туман ҳокимлиги, Қизил Ярим Ой жамиятининг Юнусобод туман Кенгаши, Халқ таълими, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамда «Камолот» ЁИҲнинг туман бўлимлари ташаббуси ва ҳамкорлигида бўлиб ўтди.

— Дастлаб тумандаги барча умумтаълим мактабларида санитар постлар ташкил қилиниб, ўқувчиларни махсус дастур асосида ўқитдик ва улар орасидан энг билимдон, зукколарини ушбу мусобақага саралаб олдик, — дейди Қизил Ярим Ой жамияти Юнусобод туман Кенгаши раиси Ҳамрохон Атабаева. — Асосан 9 та шарт, яъни сафда туриш, рапорт бериш, беморга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уйда беморга қараш, шахсий ва жамоат гигиенаси, йўл ҳаракати қоидалари, транспорт ҳаракатидан жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш каби шартлар асосида 12 та мактаб ўқувчилари беллашдилар.

Ўқувчи ёшларнинг зукколиги, чаққонлиги, билимдонлиги яққол акс этган ушбу мусобақада тумандаги 259-мактаб ўқувчилари ғолибликни қўлга киритдилар. Мусобақа сўнггида танловнинг ғолиб ва совриндорларига фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Ушбу мусобақада ўзим таҳсил олиб кетган 43-мактаб санпостчилари гуруҳига раҳбарлик қилдим, — дейди педиатрия институти талабаси Умида Абдуллаева. — Мусобақалар жараёнида шунга амин бўлдимки, ўқувчиларнинг тиббий билимлари, йўл ҳаракати қоидалари бўйича эгаллаган билимлари жуда юқори. Бу каби мусобақалар эса ёшларни шу соҳани янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам бериши аниқ.

Орзугул РУСТАМОВА

СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган мусобақалардан лавҳалар.

Миллий дастур — амалда

ТИББИЁТГА ОИД ДАРСЛИКЛАР ТАҚДИМОТИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 1-РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР МУАЛЛИФЛАРИ БИЛАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ТИББИЁТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ МУЛОҚОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

У Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури малакали тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш, соҳада таълим сифати ва мазмунини ошириш, давлат таълим стандартларини такомиллаштириш имконини бераётгани таъкидланди.

Ушбу соҳада ҳозирга қадар тўқсон уч номда ўқув адабиёти, ўн беш номда электрон дарслик яратилди. С.Файзуллаевнинг «Одам генетикаси», А.Расуловнинг «Соғлом турмуш тарзи», Г.Ражабованинг «Геронтология», Г.Мадраҳимованинг «Фармацевтик кимё» каби дарсликлари шулар жумласидандир. Бирок чоп этилган мазкур адабиётлар нусхасини юртимиздаги олтмишга яқин тиббиёт йўналишидаги коллежда таҳсил олаётган бир юз йигирма минг нафар талаба- ўқувчи учун етарли деб бўлмайди. Зеро, замонавий тиббиёт илм-фани тезкорлик билан ўзгараётган бугунги давр ҳали кўпдан-кўп ўқув қўлланмалари, адабиётлар, дарсликлар, ўқитувчилар учун услубий материаллар, рисолалар яратишни тақазо этмоқда.

Мулоқотда дарслик яратишдек масъулиятли жараёнга Тошкент Тиббиёт академияси, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларини жалб этиш, таълим жараёнида замонавий ахборот-технологиялари, электрон дарсликлар, мультимедиа дастурларини кенг қўллаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Тиббиёт соҳасидаги янги ўқув адабиётлари ва қўлланмалари, электрон дарсликларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Спорт

ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШМОҚДА

ҲОЗИРДА СПОРТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ ҚАТОРИ СИНХРОН СУЗИШ РИВОЖИГА ҲАМ КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИ ҲОЛДИР.

Чунки ўсмирлар ва қизлар орасида тобора оммалашиб бораётган ушбу спорт тури бўйича тез-тез турнирлар ташкил этилмоқда. Халқаро миқёсдаги мусобақаларда ўзбекистонлик синхрон сузувчилар муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Айни кунларда Таиландда синхрон сузиш бўйича мамлакат очиқ чемпионати мусобақалари ўтказилмоқда. Қувонарли жиҳати шундаки, ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда. Иқтидорли мураббий Галина Краснова бошчилигида ғолиблик учун курашаётган ҳамюртларимиз Тошкент шаҳри, Сирдарё, Андижон, Фарғона ва Хоразм вилояти жамоаларидан саралаб олинган.

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

АВВАЛ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, 21-26 МАЙ КУНЛАРИ ШАҲРИМИЗДА МИНИ-ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛАДИ.

«Зарафшон» концерт залида Осиё футбол конфедерацияси вакиллари иштирокида ўтказилган қуръа ташлаш натижаларига кўра Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари «А» гуруҳида Хитой, Хитой Тайпейи ва Малайзия терма жамоаларига қарши майдонга тушишади. Дарвоқе, терма жамоамиз дастлабки учрашувни малайзияликларга қарши ўтказади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Танловлар

ИЖОДКОР - ИХТИРОЧИ БОЛАЛАР

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, РЕСПУБЛИКА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ҲОМИЙЛИГИДА «КАМАЛАК» БОЛАЛАР ТАШКИЛОТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТИ ИДОРАСИ, РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИЛАР ТЕХНИК ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «ИЖОДКОР–ИХТИРОЧИ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Уч кун давом этган кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, республикамиз вилоятларидан вилоят миқёсида ўтказилган босқичларда ғолиб деб топилган иқтидорли ўқувчилар қатнашдилар.

Кўргазмадан ижодкор ўқувчиларнинг фан ва техниканинг «Электроника», «Химия, нефть ва газ саноати», «Саноат ва агросаноат», «Транспорт ва ҳарбий техника», «Табиатни муҳофаза қилиш» каби долзарб йўналишлари бўйича тайёрланган экспонатлари жой олади. Ўқувчилар экспонатларининг ўз йўналишига қараб, Тошкент Давлат техника университетида тайёрланган ва факультетлардаги илмий ишларни акс эттирувчи стендлар ёнига жойлаштирилганлиги кўрик-танловнинг мақсад ва вазифаларини мазмунан янада бойитди.

Танлов ғолиблари умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида «Ижодкор-ихтирочи» болалар Республика танлови Низоми асосида аниқланди. Танлов қатнашчиларидан 37 нафар ижодкор-ихтирочи Фахрий ёрлиқлар, дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ғолиб деб топилган ва ўзида янгиликни мужассам этган ихтиро-экспонатлари навбатдаги 2007 йилги Республика миқёсидаги кўрик-танловгача турли тадбирлар ва кўчма кўргазмаларда намойиш этиш учун Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази ихтиёрида қолдирилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOGI» филиали абонентлари диққатига!

Ҳурматли абонентлар!

Тошкент шаҳри телефон тармоғини янгилаш ва ривожлантириш режасига мувофиқ 42-АТС телефон рақамларини янги 392-ЭАТСга ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Маълумотлар учун телефонлар: 42-23-23; 392-23-23.

Ўтказиш чоғида алоқада узилишлар бўлиши мумкин. Филиал маъмурияти телефон рақамларини алмаштириш билан боғлиқ айрим ноқулайликлар учун узр сўрайди.

Электрон АТС хизматлари учун ҳақ тўлаш 125-1/1 ва 125-1/7 прейскурантлари тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Аҳоли учун:

— ойлик абонентлик тўлов—665 сўм;

— кириш сўзлашувларига ҳақ тўланмайди;

— ҳар ойга 180 дақиқа ҳажмидаги сўзлашувнинг, белгиланган лимитидан ташқари ва фойдаланувчиларнинг ҳар бир тоифаси учун белгиланган абонентлик тўловидан ташқари чиқувчи сўзлашувнинг ҳар бир тўла ёки тўла бўлмаган дақиқаси учун вақтбай тўлов—2,2 сўмни ташкил этади;

— шаҳарлараро ва халқаро алоқа учун ҳақ мавжуд тарифларга асосан тўланади.

Рақамли электрон АТСлар интеллектуал хизматлар қўшимча турларининг катта тўпламига эга. Қўшимча хизматларга телефон боғламасининг маркетинг бўлими орқали буюртма беришингиз мумкин.

Маъмурият

Мунажжим башорати

СУВ МАНБАЛАРИ ТОЗАЛАНАДИГАН КУН

3 МАЙ, ЧОРШАНБА

МУНАЖЖИМ С. ИЛЬИЧЁВ БУГУНГИ КУННИ БУЛОҚЛАР, ҚУДУҚЛАР ВА БОШҚА СУВ МАНБАЛАРИ ТОЗАЛАНАДИГАН КУН ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ. СУВНИ БУЛҒАТИШ, ҲАРОМ ҚИЛИШ, ҚУДУҚҚА ТУФЛАШ, ҲАР ҚАНДАЙ СУВГА ТУРЛИ КИМЁВИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ТЎКИШ МУМКИН ЭМАС. БУНДАЙ ҚИЛИНГАН ЁМОНЛИКЛАР АЛБАТТА ЎЗИНГИЗГА ҚАЙТАДИ.

Бугунги кун ички эътиқодингизни идрок этиш, қусурларингиз устидан ғалабага эришиш ҳамда бой берилган яхлитликни тиклашга даъват этади. Бугун спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ман этилади. Ҳар қандай танишувларни бошқа вақтга қолдириш керак.

Одамларда жаҳолатга мойиллик намоён бўлади. Танбаллик, ношудлик туфайли жиддий хатоларга йўл қўйиш мумкин. Келаётган хабарларга кўр-кўрона ишониш ярамайди. Ожизлигимиз ёки ҳаддан зиёд очиқлигимиздан фойдаланишади. Ғийбатлашиш, ҳовлиқишдан ўзингизни тортинг, ортиқча гап-сўзларга аралашманг. Ножўя ҳаракатларга йўл қўйманг.

Бугунги кун башоратли тушлар куни экан. Тушда қушларни кўриш – яхшиликка, олов ёки лойқа сувни кўриш нохушликларга далолатдир. Тиш тушиши катта ташвишлардан огоҳлантиришдир.

Юрак-қон томир тизими, шунингдек орқангиз ва умуртқангиз бугун заифлашган ҳолатда бўлади. Қудуқ ёки булоқ сувларини ичиш фойдали ва умуман бугун кўпроқ суюқлик ичиш керак. Бугун товуқ гўшти ва тухумини емаган маъқул. Улар соғлиғингизга зарар етказиши мумкин.

Кийимларнинг кумушранг ва ҳаворанглилари бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади. Қора ва барча ёрқин рангли либослардан бугунча узоқроқ бўлинг.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 707

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6